

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЕВА САОДАТ ЯШИНОВНА

**ЁШИ УЛУҒ БЕМОРЛАРДА ТОЖ ТОМИРЛАРНИНГ КЎП
ТОМИРЛИК ВА/ЁКИ БОШ ТОМИР ТОРАЙИШИ БУЛГАНДА ТУРЛИ
ВАРИАНТ (ИНВАЗИВ ВА ДОРИЛИ) ДАВОЛАШНИНГ
СОЛИШТИРМА САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаева Саодат Яшиновна

Ёши улуғ беморларда тож томирларнинг кўп томирлик ва/ёки бош томир торайиши булганда турли вариант (инвазив ва дорили) даволашнинг солиштирма самарадорлиги3

Абдуллаева Саодат Яшиновна

Эффективность различных вариантов лечения (инвазивного и медикаментозного) многососудистого и/или стволового поражения коронарных артерий у пожилых больных25

Abdullaeva Saodat Yashinovna

The effectiveness of various treatment options (invasive and medical) with lesions of the left coronary artery in combination with lesions of two or more coronary arteries in elderly patient.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work.....50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЕВА САОДАТ ЯШИНОВНА

**ЁШИ УЛУҒ БЕМОРЛАРДА ТОЖ ТОМИРЛАРНИНГ КЎП
ТОМИРЛИК ВА/ЁКИ БОШ ТОМИР ТОРАЙИШИ БУЛГАНДА ТУРЛИ
ВАРИАНТ (ИНВАЗИВ ВА ДОРИЛИ) ДАВОЛАШНИНГ
СОЛИШТИРМА САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD /Tib719 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Никишин Алексей Геннадиевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Тулабоева Гавхар Миракбаровна тиббиёт фанлари доктори, профессор Алимов Дониёр Анварович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Республика Ихтисослаштирилган Терапия ва Тиббий Реабилитация Илмий-Амалий Тиббиёт Маркази

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ тарқатилди.

2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.

Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда, айниқса ривожланган давлатларда, кекса (> 65 ёш) ва қари (> 75 ёш) ёшдаги инсонлар абсолют сони ва пропорцияси ортиб бормокда. Демограф ва социологлар таърифига қараганда, аҳоли қариши 2025 йилгача давом этиб, 60 ёш ва ундан катта одамлар сони 5 баробарга купаяди. Маълумки, сунги ун йилликда ушбу фоиз курсаткичи сезиларли ортди. Бунинг асосий муҳим сабабларидан бири, тугилишни қамайиши ортидан, кексаларда улимнинг етакчи сабаби саналган юрак қон томир хасталикларини даволашни такомиллаштириши саналади. Кексаларда «қенг тарқалган юрак қон томир хасталиклари қуйидагилар: артериал гипертония (АГ), юрак ишемик касаллиги (ЮИК), сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ)».¹

Жаҳонда ЮИК билан касалланган ёши улуғ беморларда даволаш чораларини такомиллаштиришга, уларни келажакдаги прогнозини асослаб берувчи омилларни аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмокда. Бу борада кўп томирли шикастланиши ва/ёки коронар артериялар ўзаги стенози бор кекса беморларда турли стратегияни танлаш ва ушбу услубларни такомиллаштириш, ҳамда касаллик ривожланишини башоратлаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган сифатли кардиологик тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини амалиётга жорий этиш борасида қенг қамровли ишлар амалга оширилмокда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «тиббий ва ижтимоий- тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш»² бўйича муҳим вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда ЮҚТКларда ўлим ҳолати ҳамда ногиронликнинг оддини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни соғлиқни сақлашнинг бошқа бўғинларига тадбиқ этиш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

¹ Особенности лечения некоторых сердечно-сосудистых заболеваний у пожилых: пособие для врачей/ А.В. Щербакова, Т.В. Бараховская – Иркутск: РИО ГБОУ ДПО ИГМАПО, 2016

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика VI «Тиббиёт ва фармакология» - фан ва технологияларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Клиник синовлар кўпинча кекса беморларни истисно қилади [Mullany C.J. et al. 1990; Singh M. et al. 2000.]. Йирик рандомизацияланган тадқиқотларда ва мета-таҳлилларда паст хавфга эга бўлган ва 80 ёшдан кичик беморларда ҳар бир аралашувнинг мақсадга мувофиқлиги ўрганилди [McKellar S.H., et al. 2008; Rogers W.J. et al. 1995; Hoffman S.N. et al. 2003], фақат ушбу маълумотларни 65 ёшдан катта беморлар гуруҳида қўллаш мумкинми, шу нарса ноаниқ бўлиб қолган. Кекса беморларда реваскуляризациянинг у ёки бу турининг афзалликларини ўрганган тадқиқотларга асосан беморлар сони кам ва кузатув даври ўртача бўлган кўп марказли тадқиқотлар ҳисобланади [Gunn J. et al. 2012; Wongcharoenkiat N. et al.; Tresukosol D. et al, 2012; Ben-Gal Y. et al. 2012].

Юрак ишемик касаллиги бор кекса беморлар учун мувофиқ келадиган даволаш услубини танлаш индивидуал асосда хавфларни ва учта: медикаментоз терапия, ТОКА ва АКШ ёндашувини изчил баҳолашни талаб этади. Проспектив рандомизацияланган TIME тадқиқоти ТОКА ни ҳам, АКШ ни ҳам ўз ичига киритган реваскуляризация гуруҳида (19% 49% га қарши), фақат медикаментоз терапия ўтказилган гуруҳ беморларига нисбатан яхшироқ ҳаёт сифатини ва жиддий юрак-қон томир ҳодисаларининг камроқ сонини намоён қилди [Pfisterer M. et al. 2001]. Бироқ, STICH (Surgical Treatment for Ischemic Heart Failure) тадқиқоти маълумотлари бўйича узоқ муддатли яшаб қолиш даражаси иккала гуруҳда ҳам фарқларга эга бўлмаган [Velazquez E., et al. 2011]. Хатто кузатув давомийлиги 4 йилдан ортиқ бўлган муддатда ҳам АКШ нинг афзаллиги бирламчи охири нуқта – беморларнинг умумий ўлими ривожланиши эҳтимолига таъсири бўйича ҳеч қандай намоён бўлмаган. Бунда юрак ишемик касаллиги бор кекса беморларни 70 ёшдан кичик бўлган беморлар билан таққослаган APPROACH Канада тадқиқоти кўрсатдики, кекса беморлар ёш беморларга нисбатан жарроҳлик ёки тери орқали реваскуляризация билан боғлиқ хавфнинг парадоксал равишда абсолют кўпроқ пасайишига эга бўлган [Graham M. M. et al. 2002].

Ўзбекистонда кўп томирли коронар шикастланишни даволаш бўйича катта тажриба тўпланган, хусусан РИХИАТМ да ишлаб турган юракда АКШ амалиётлари ва гибрид амалиётлар ўтказилмоқда, бироқ кўп томирли стентлаш муаммоси ҳам фаол ўрганиляпти. Д.А. Алимовнинг кўп томирли стентлаш бўйича тадқиқоти мавжуд, лекин унда медикаментоз терапия гуруҳи бўлмаган ва у ёки бу стратегияга кўрсатмаларни оптималлаштириш муаммолари ўрганилмаган. ЧКА ўзагининг узоқ вақт шикастланиши

эндоваскуляр даволашга қарши кўрсатма ҳисобланар эди ва бундай аралашув фақатгина АКШ амалиёти ўтказиш имкони бўлмаган фавқулоддаги ҳолатларда қўлланган. Ҳозирги вақтга келиб тўпланган клиник тадқиқотлар бундай шикастланишларда стентлашни жарроҳлик аралашувга реал муқобил услуб сифатида тасдиқлаш имконини беради. РИКИАТМ Ўткир миокард инфаркти лабораторияси 2015-2018 йилларда ИТИ доирасида шунга ўхшаш “ЮИК нинг оғир шакллари бўлган беморларда агрессив медикаментоз терапия клиник самарадорлиги билан таққослаган ҳолда КА ни кўп томирли ва/ёки ўзакли стентлаш услубларини ишлаб чиқиш” мавзунини тадқиқ қилган ҳамда тадқиқот натижаларини журналларда, жумладан, чет элда ҳам нашр қилган. Бироқ, кекса беморларда коронар артериялар кўп томирли шикастланишини даволашнинг турли вариантлари самарадорлигини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар Республикамиз ҳудудида аввал ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида № ПЗ-2017-09138 “Коронар оқимининг кўп томирли шикастланиши бўлган беморларда оптимал медикаментоз терапия, тери орқали коронар аралашув ва коронар шунтлашнинг қиёсий самарадорлигини прогноз қилиш предикторлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади кўп томирли шикастланиши ва/ёки коронар артериялар (КА) ўзаги стенози бор кекса беморларда бир йиллик маълумотлар прогнози бўйича турли (медикаментоз ва инвазив) терапия стратегияларини танлашга кўрсатмаларни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кўп томирли шикастланиши ва/ёки коронар артериялар (КА) ўзаги стенози бор кекса беморларда турли – инвазив (КШ, КА ни стентлаш билан бирга ТОКА) ва медикаментоз терапия стратегиялари фонидида бир йиллик прогнозни таққослаш;

кўп томирли ва/ёки ўзак шикастланиши бор кекса беморларда нохуш оқибатнинг қўшимча клиник предикторларини аниқлаш;

кўп томирли ва/ёки ўзак шикастланиши бор кекса беморларда нохуш оқибатнинг гемодинамик маркерларини аниқлаш;

нохуш оқибатнинг функционал предикторлари (юрак ритми вариабеллиги) ни баҳолаш;

лаборатор предикторларни, хусусан, яллиғланиш маркерларини ва тромбоцитлар агрегациясини баҳолаш;

коронар оқимнинг кўп томирли шикастланиши бўлган беморлар даволанишга мойилликнинг таъсирини, шунингдек, ўтказилган КШ ва ТОКА нинг комплаенсга ва касаллик оқибатларига таъсирини баҳолаш;

Тадқиқот объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида кузатувда бўлган 65 ёшдан

катта ЮИК бор, стенокардиянинг юқори (III-IV) синфларига эга 254 та беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида анамнестик маълумотлар, клиник кўрув, лаборатор текширувлар, ЭКГ, ЭхоКГ, коронароангиография натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, инструментал, биокимёвий ва ангиографик тадқиқот услублари, шунингдек сўровномалар ва статистик таҳлилдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кўп томирли шикастланиши ва/ёки коронар артериялар (КА) ўзаги стенози бор кекса беморларда олинган янги предикторларни ҳисобга олган ҳолда терапиянинг турли (медикаментоз ва инвазив) стратегиялари баҳоланган;

худудий амалиётда беморларнинг катта миқдорида кекса кишиларда ЮИК кечиши ва касалликни даволашнинг учта асосий стратегияси оқибатлари баҳоланган;

илк бор турли даволаш стратегиялари учун нохуш прогнози таҳлили ўтказилган ва унинг аввал кенг қўлланилмаган бир қатор предикторлари - юрак ритми вариабеллигининг пасайиши, эритроцитлар чуқиш тезлиги, С-ректив оксилнинг, глюкоза ва гликирланган гемоглобиннинг ошиши аниқланган;

коронар оқимнинг кўп томирли шикастланиши бор беморларнинг даволанишга мойиллиги, шунингдек, ўтказилган КШ ва ТОКА нинг комплаенсга таъсири баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

катта ёшдаги беморлар гуруҳида инвазив аралашувнинг ўтказилиши стенокардия оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ва медикаментоз терапия фонидида изчил кўриб чиқилиши учун хизмат килувчи алгоритм яратилган;

коронар оқимнинг кўп томирли шикастланиши бор катта ёш гуруҳидаги беморларда симптоматиканинг анча камайишига ва ҳаёт сифатининг яхшиланишига ёрдам берувчи коронар реваскуляризация учун курсатмалар ишлаб чиқилган;

катта ёш гуруҳидаги беморларда нохуш оқибатларнинг муайян лаборатор ва функционал предикторлари аниқланиб, даволашнинг сифатини оширишга хизмат килувчи стратегия ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва услублар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, турли даволаш стратегияларини кулланилган кўп томирли шикастланишга эга катта ёш беморларда бир йиллик прогнозини баҳолаш ёрдамида, турли хил стратегия танлаш (медикаментоз даво, коронар артерияларни стентлаш ёки аортокоронар шунтлаш) мезонлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, коронар оқими кўп томирли шикастланиши бор кекса беморларда суткалик ЭКГ ни Холтер мониторингнинг имконияти ва зарурати асослаб берилган, бунда алоҳида эътиборни тикланиш жараёнини ва ўтказилаётган фармакотерапияни баҳолаш учун юрак вариабеллигини таҳлил қилишга, хусусан унинг спектрал қисмига қаратиш лозимлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп томирли шикастланиши ва/ёки коронар артериялар ўзаги стенози бор кекса беморларда турли даволаш вариантлари (инвазив ва медикаментоз) самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

ЮИК билан касалланган кўп томирли шикастланишли ёши улуг беморларда уларнинг ҳаётини прогнозини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Коронар оқимнинг кўп томирли шикастланиши бор кекса беморларда “КРОМКА” асоратлар хавфи калькуляторини қўллаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/487-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЮИК бор ёши улуг беморларнинг ҳаёт прогнозини аниқлашга имкон берган;

ЮИК билан касалланган кўп томирли шикастланиши бор беморларда танланган стратегияга асосланиб даволашга мойилликни, ҳаёт сифатини ва прогнозини башоратлаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилояти кардиологик диспансери ва Республика Эндокринология Илмий-Амалий Тиббиёт Маркази клиник амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йилнинг 08-09/3724-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг тиббиёт амалиётига тадбиқ қилиниши коронар оқимнинг кўп томирли шикастланиши бор кекса беморларда асоратлар хавфини баҳолашни оптималлаштиришга ёрдам берди, бу эса ҳаёт сифатини яхшилашга, госпитализациялар сонини камайтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 5та халқаро ва 2та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқотнинг натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 17 мақола, жумладан 14 таси Республика ва 3 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилмаси ва ҳажми. Диссертация иши кириш қисмидан, учта бобдан, хулосадан, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

I боб. «Адабиётлар мунозараси» диссертация ишига тегишли халқаро илмий тадқиқотлар таҳлиliga бағишланган. Адабиётлар мунозараси 6 та кичик бобдан иборат бўлиб, уларда кекса беморларда қариш морфологияси, хавф омиллари ва ЮИК ни даволашнинг тактик масалалари бўйича маълумотлар келтирилган. 65 ёшдан катта беморларда юрак ишемик касаллигини даволашда коронар шунтлаш ва стентлашнинг самарадорлиги бўйича тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

II боб. «Клиник материалнинг умумий тавсифномаси ва тадқиқот услублари»

Тадқиқотга ЧКА ва/ёки иккита ва ундан кўп коронар артериялар шикастланиши бор 254 та бемор киритилган.

Тадқиқотга қуйидагилар киритилмаган: коронароангиография ўтказиш вақтида ўткир коронар синдроми бор беморлар, ОФ<30%, КФТ <30 мл/мин бўлган беморлар, анамнезида қон кетишлар кузатилган, тадқиқотга киритишдан олдин 12 ойгача мия қон айланиши ўткир бузилишлари бўлган, орал антикоагулянтлар қабул қилган, оғир соматик касалликлари бор беморлар.

Барча беморлар умумқабул қилинган, ацетилсалицил кислота (АСК), клопидогрел, бета-адреноблокатор бисопролол 2,5-5 мг/сут, АЎФ ингибитори, розувастатин 20 мг/сут ни ўз ичига киритган базис терапияни олганлар. Танланган даволаш стратегиясига мувофиқ беморлар 3 та гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳни коронар артерияларида стентлаш ўтказилган беморлар (1 тадан 4 тагача стент, n = 99), иккинчи гуруҳни коронар шунтлаш ўтказилган беморлар (2 тадан 4 тагача шунт, n = 86), учинчи гуруҳни фақат медикаментоз терапия олган беморлар ташкил қилди (n = 69). Тадқиқот дизайни 1-расмда кўрсатилган

ЮИК нинг клиник кечиши, ЭКГ ни Холтер мониторинг, ЭхоКГ натижалари, қоннинг лаборатор текширувлари, жумладан, қоннинг умумий таҳлили, липид спектри, билирубин, креатинин ва мочевина миқдори, қондаги глюкоза, Гликирланган гемоглобин, коагулограмма натижалари; коронароангиография натижалари таҳлил қилинди. Терапияга мойиллик иккита сўровномани қўллаган ҳолда баҳоланди. Биринчиси Мориски-Грин сўровномаси. Иккинчи сўровнома яқинда Россия ССВ РКИИЧК ФДБМ клиник кардиология институтидаги ҳамкасбларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва терапияни номунтазам қабул қилиш/қилмаслиқнинг энг тарқалган сабабларини баҳолаш учун қўлланилади. Ҳаёт сифатини баҳолаш зўриқиш стенокардияли беморларда қўллаш учун ишлаб чиқилган SAQ (Seattle Angina Questionnaire) сўровномаси ёрдамида ўтказилди.

Беморларнинг психологик ҳолатини баҳолаш Спилбергер-Ханин ва Цунг шкалалари бўйича суҳбат-интервьюни қўллаган ҳолда бажарилди.



Барча гуруҳлар клиник-демографик тавсифномалар бўйича бир-бири билан таққослама бўлди (1-жадвал). Шунини қайд қилиш лозимки, АКШ гуруҳида стенокардиянинг стабил шакллари, ОМТ гуруҳида эса ностабил шакллари устун бўлди, умуман олганда бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

1-жадвал.

Гуруҳларнинг клиник-анамнестик тавсифномаси

Кўрсаткич	ТОКА	ОМТ	АКШ	P
	n = 99	n = 69	n = 86	
Ўртача ёши $M \pm \sigma$	70,2 ± 3,6	69,7 ± 4	67,6 ± 3,7	0,01
Эркаклар	77,8%	56,2%	74,4%	0,11
Аёллар	22,2%	43,8%	25,6%	0,11
ТВИ	29,1 ± 3,2	29,3 ± 2,6	29,5 ± 2,4	0,66
ЮЕ III-IV ФС	66 (62,3 %)	40 (54,8 %)	66 (80,5 %)	0,004
ТЭЗС	3 (2,8 %)	4 (5,5 %)	1 (1,2 %)	0,29
ЎМИ	36 (36,4%)	23 (33,3)	15 (17,4)	0,004
ИККС	54 (50,9 %)	40 (54,8 %)	58 (70,7 %)	0,02
ГК	96 (90,6 %)	67 (91,8 %)	71 (86,6 %)	0,35
АГ	90 (84,9%)	66 (90,4)	68 (83%)	0,52
ҚД	36 (32,4%)	21 (28,7%)	31 (37,8%)	0,63
СЮЕ: НУНА бўйича I-III ФС	99 (100%)	65 (94,2%)	81 (94,1%)	0,77
Killip бўйича ЎЮЕ II-III	10 (9,5%)	7 (9,6%)	5 (6,1%)	0,32
ЭД	47 (44,3 %)	34 (46,6 %)	50 (61 %)	0,05
МҚАЎБ	5 (4,7 %)	1 (1,4 %)	5 (6,1 %)	0,41
ОЎБИЯК	6 (5,7 %)	9 (12,3 %)	17 (20,7 %)	0,08
СБК (I-IV дар)	29 (29,3%)	23 (33,3%)	30 (34,9%)	0,55
ЎСОК	10 (9,4 %)	10 (13,7 %)	22 (26,8 %)	0,02
анемия	11 (10,4 %)	7 (9,6 %)	13 (15,9 %)	0,25
ЧҚ аневризмаси	7 (6,6 %)	3 (4,1 %)	4 (4,9 %)	0,72

* $p \leq 0,05$ да фарқлар ишончли

Бир йил давомида беморлар кузатув остида бўлдилар. Хусусан, қуйидаги каби охирги нуқталар қайд этилди:

- летал оқибат, миокард инфаркти (нофатал),
- коронар етишмовчиликнинг тараққий этиши,
- юрак етишмовчилиги (ЮЕ) нинг ривожланиши ва тараққий этиши (В. Мареев модификациясидаги ҲСБШ маълумотларига кўра),
- коронар етишмовчиликнинг ортиши билан боғлиқ такрорий госпитализациялар,
- жарроҳлик аралашув (КШ ва ТОКА) га эҳтиёж.

Глава III боб. «Тадқиқот натижалари» 16 та кичик бобдан иборат.

Гуруҳлардаги охирги нуқталар. Ўз ичига юрак-қон томир ўлимини, миокард инфарктини, коронар ва юрак етишмовчилигини киритган бирламчи охирги нуқтага етиш тезланиши бўйича гуруҳлар ўртасида фарқлар кузатилмади. Иккиламчи асосий охирги нуқта – юрак-қон томир ўлими бўйича ҳам фарқлар аниқланмади.

Реваскуляризациянинг консерватив тактикадан устун бўлишининг ягона жиҳати – бу госпитализацияни талаб этувчи коронар ва юрак етишмовчилиги симптомларининг камайишидан иборат бўлди: ТОКА – 17,6% ҳол, АКШ – 24,4% ҳол, ОМТ – 33,3% ҳол, $p < 0,025$.

Бунда АКШ кўринишдаги аралашувни талаб қилган беморлар ОМТ гуруҳида ишончли равишда кўп бўлди: 2,0% ТОКА гуруҳида, 10,1% ОМТ гуруҳида, шунингдек, 1 та реваскуляризация АКШ гуруҳида АКШ (1,2%), $P = 0,021$.

Бирок, хавфларни жуфтли таққослаганда қуйидагилар кузатилди:

ТОКА ва ОМТ гуруҳларини таққослаганда ТОКА гуруҳида қон кетиш ривожланишининг юқори хавфи ва такрорий ТОКА ўтказиш зарурати тенденцияси аниқланди. Лекин, ушбу гуруҳда бирорта ҳам охирги нуқтага етмаган беморларнинг сони кўпроқ қайд этилди. ОМТ ва АКШ гуруҳларини солиштирганда ОМТ гуруҳида юқорироқ ўлим даражаси ва такрорий госпитализациялар тезланиши тенденцияси кузатилди. Бундан ташқари, ОМТ гуруҳидан беморларнинг анчагина қисми коронар шунтлаш ва тери орқали коронар аралашув зарурати туфайли чиқиб кетди. АКШ гуруҳида жисмоний зўриқмаларга чидамлик бироз пастдир. АКШ ва ТОКА гуруҳларини солиштирганда АКШ гуруҳида такрорий госпитализациялар сони кўпроқ қайд этилди, ТОКА гуруҳида эса жисмоний зўриқмага чидамликнинг пастроқ эканлиги аниқланди, яна шуни айтиб ўтиш мумкинки, ТОКА гуруҳида бирорта ҳам охирги нуқтага етмаган беморлар сони юқорирокдир.

Гуруҳларда лаборатор текширув натижаларининг қиёсий тавсифномаси. Гликемия кўрсаткичлари, хусусан, Гликирланган гемоглобин динамикасини баҳолашда ТОКА гуруҳида Гликирланган гемоглобиннинг юқори даражаси сақланиб қолганлиги кузатилди ($7,9 \pm 1,5\%$ гача, ОМТ гуруҳида $6,4 \pm 1,1$ ммоль/л, АКШ гуруҳида $5,1 \pm 0,8\%$, $P = 0,05$), шунингдек, қондаги глюкоза микдорининг юқорилиги ҳам яққол тенденцияга эга бўлган

(ТОКА гуруҳида $8,3 \pm 3,4$ ммоль/л, ОМТ гуруҳида $6,4 \pm 1,1$ ммоль/л, АКШ гуруҳида $6,8 \pm 2,3$ ммоль/л, $P = 0,33$). ОМТ ва АКШ гуруҳлари ичида глюкоза миқдорининг мувофиқ равишда $7,1 \pm 2,6$ ммоль/л дан $6,4 \pm 1,1$ ммоль/л гача ва $7,3 \pm 2,6$ ммоль/л дан $6,8 \pm 2,3$ ммоль/л гача пасайиши ($p=0,01$) ва Гликирланган гемоглобин даражасининг нормаллашуви ($5,1 \pm 0,8\%$, $p=0,01$) кузатилди.

Лаборатор натижаларининг таҳлили кўрсатдики, АКШ ўтказган беморларда бир йилдан кейин гематокрит даражасининг $39,7 \pm 2,4\%$ гача ортиши қайд этилди ($p=0,03$). Беморлар 6 ойдан ва бир йилдан кейин ПЗЛП ХС нинг мақсад қилинган даражасига етмаганлигига қарамай, ЮЗЛП ХС миқдорининг $41 \pm 7,8$ мг/дл гача ишончли равишда ортиши аниқланди ($p=0,01$). Қайд этиш лозимки, йилнинг охирига келиб глюкоза миқдорининг $9,04 \pm 1,7$ ммоль/л дан $6,8 \pm 2,3$ ммоль/л гача пасайиши ($p=0,01$) ҳамда Гликирланган гемоглобин даражасининг нормаллашуви ($5,1 \pm 0,8\%$, $p=0,01$) кузатилди. Шунингдек, АЛТ даражасининг $22,6 \pm 9,4$ МЕ/л гача ($p=0,02$) ва АСТ даражасининг $20,3 \pm 7,4$ МЕ/л гача пасайиши қайд этилди ($p=0,002$). Коагулограмма кўрсаткичларига келсак, ТОКА гуруҳи беморларида динамикада протромбин индексининг $86,2 \pm 14,3\%$ дан $97,3 \pm 5,6\%$, гача кўтарилиши, $P = 0,001$, ҚФТВ нинг $31,7 \pm 7,8$ сек дан $26,4 \pm 2,7$ сек гача, пасайишга тенденцияси кузатилди, $P = 0,06$. Бунда ХМН ушбу гуруҳда ОМТ ва АКШ гуруҳларига нисбатан ишончли равишда паст эканлиги аниқланди: ($1 \pm 0,1$ $1,1 \pm 0,1$ га қарши, $P=0,04$).

Гуруҳларда эхокардиографик маълумотларнинг қиёсий тавсифномаси. Дастлаб гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар йўқ эди. Динамикада ОМТ гуруҳида охириги чап қоринча систолик ўлчамининг нисбатан ортиши кузатилади: $43,4 \pm 6,6$ мм, ТОКА гуруҳида - ЧКВ и $36,2 \pm 4,1$ мм ва АКШ гуруҳида - $36,2 \pm 4,1$ мм, $P= 0,04$. Бунда АКШ гуруҳида ўнг бўлмачанинг нисбатан каттароқ ўлчамлари: $48,4 \pm 3,3$ мм, ТОКА гуруҳида $38,6 \pm 6$ мм ва ОМТ гуруҳида $44,8 \pm 4,3$ мм, $P = 0,001$ ҳамда ТОКА гуруҳида ўнг қоринчанинг нисбатан каттароқ ўлчамлари: $33,4 \pm 3,1$ мм, ОМТ гуруҳида $30,8 \pm 2,2$ мм, АКШ гуруҳида $31,7 \pm 2,6$ мм, $P = 0,03$, қайд этилди. Бир йилдан кейин ТОКА гуруҳида нисбатан юқори отиш фракцияси: $57,7 \pm 6,2\%$, ОМТ гуруҳида $51,0 \pm 8,3\%$ ва ТОКА гуруҳида $54,3 \pm 5,9\%$, $P= 0,05$. Бунда АКШ гуруҳида ўнг бўлмачанинг нисбатан катта ўлчамлари: $48,7 \pm 2,8$ мм, ТОКА гуруҳида $43,2 \pm 5,8$, ва ОМТ гуруҳида $45,7 \pm 3,3$ мм, $P = 0,04$, ҳамда чап бўлмачанинг нисбатан катта ўлчамлари: : $53,2 \pm 8,3$ мм, ТОКА гуруҳида $45,9 \pm 8,9$ мм ва ОМТ гуруҳида $51,0 \pm 8,3$ мм, $P = 0,05$, сақланиб қолган.

Гуруҳларда юрак ритми вариабеллигининг қиёсий тавсифномаси. Дастлаб гуруҳлар ўртасида фарқлар қайд қилинмади. Бунда учта гуруҳнинг барчасида $SDNN < 50$ мс қийматлари аниқланди (бир қатор ишларда исбот қилинганки, $SDNN$ нинг 50 мс дан пасайиши қоринча аритмиялари ва тўсатдан ўлим хавфини аниқлашда прогностик аҳамиятга эга) [170 ; б.. $72-75$], $TP < 370$ мс/Гц (баъзи тадқиқотларда TP (total power) қийматлари ва юрак-қон томир ўлими ўртасида кучли боғлиқлик кўрсатилган) [170 ; б.. $72-75$], LF/HF

нисбатининг 1,5 дан юқори қийматлари кузатилди, бу эса вегетатив балансининг симпатик тонус ортиши томонига силжиши тўғрисида далолат беради. Бир йилдан кейин VLF нинг тунги қийматлари регулятор механизмлар гормонал модуляциясининг юқори даражасига ортди, бунда LF/HF нисбати аввалгича учта гуруҳнинг барчасида 1,5 дан юқори, бу эса симпатик тонус ортиши тарафига вегетатив балансининг силжиши сақланишини англатади.

“Гуруҳлардаги қиёсий ангиографик тавсифнома” еттинчи кичик бобда қуйидаги анатомо-топографик хусусиятлар баён қилинган: ОМТ гуруҳида бошқа гуруҳларга нисбатан чап коронар артерия ўзагининг (31,9%, $p=0.01$) ва айлашиб ўтувчи артериянинг (81,2%, $p=0,001$) шикастланиши устун бўлди. ТОКА гуруҳида ЎПТА нинг (90,9%, $p=0,002$), ЎКА нинг (76,8%, $p=0,004$) ва ОҚАШ нинг (21,2%, $p=0,01$) шикастланиши устун турган.

Оқибатлар бўйича кичик гуруҳларнинг клиник тавсифномаси. Оқибатларга кўра ҳар бир гуруҳ 2 та кичик гуруҳга ажратилди: охири нуктага етган беморлар ва етмаган беморлар.

ТОКА гуруҳида камида битта охири нуктага етган беморлар кичик гуруҳида эркаклар кўпроқ эканлиги қайд этилди: 50 (86,2%) 27 (65,9%) га, $P=0,03$. АКШ гуруҳида эса камида битта охири нуктага етган беморлар кичик гуруҳида глюкозага толерантликнинг бузилиши (6 (11,5%) 0 (0%) га, $P = 0,04$), шунингдек, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги (15 (28,8%) 3 (8,8%) га, $P = 0,03$) бўлган беморларнинг ишончли равишда устунлиги кузатилди. Бунда қайд этиш лозимки, бирорта ҳам гуруҳда бир хил кўрсаткичлар, эҳтимол қилинган предикторлар кузатилмади.

Қандли диабет нохуш оқибатнинг мустақил предиктори эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҚД ли беморлар орасида гликемия даражаси баҳоланди. Ушбу гуруҳ беморлари учун аниқландики, гликемиянинг даражаси 9,9 ммоль/л ва ундан юқори бўлган беморлар сони камида битта охири нуктага етган кичик гуруҳларда устунлиги кузатилди.

Гликирланган гемоглобин учун предиктор бўлиб 8,7% қиймати ҳисобланади.

«Кўп томирли ва/ёки ўзак шикастланиши бор кекса беморларда нохуш оқибатнинг гемодинамик маркерларини ўрганиш» тўққизинчи кичик бобда ЭхоКГ кўрсаткичлари муносабатида кичик гуруҳлар ўртасида аҳамиятга эга фарқларнинг йўқлиги қайд этилди, АКШ гуруҳининг бирорта охири нуктага етмаган кичик гуруҳдаги дастлабки юқорироқ даражадаги отиш фракцияси бундан мустасно ($55,9 \pm 5,2\%$, АКШ гуруҳининг камида битта охири нуктага етган кичик гуруҳда - $50,6 \pm 8,5$. $P = 0,04$).

«Нохуш оқибатнинг функционал предикторларини баҳолаш (юрак ритми вариабеллиги)» ўнинчи кичик бобда номига мувофиқ ижобий ва нохуш оқибатли беморлар кичик гуруҳлари ўртасида юрак ритми вариабеллигининг, жумладан, спектрал кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифномаси баён қилинган.

Дастлаб ТОКА кичик гуруҳлар ўртасида юрак ритми вариабеллиги муносабатида фарқлар қайд этилмади. Бунда иккала кичик гуруҳда дастлабки

SDNN < 50 мс қийматлари аниқланди (бир қатор тадқиқотларда исботланганки, SDNN нинг 50 мс дан пасайиши қоринча аритмияларини аниқлаш ва тўсатдан ўлим хавфи бўйича прогностик аҳамиятга эга), шунингдек, LF/HF нисбати 1,5 дан юқори эканлиги қайд этилди, бу эса вегетатив баланснинг симпатик тонус ортиши томонига силжиши тўғрисида далолат беради [160; б. 200].

Динамикада кичик гуруҳлар ўртасида ЮРВ нинг вақтли кўрсаткичларида аҳамиятга эга фарқлар қайд этилди. Хусусан, бирорта ҳам охириги нуқтага етмаган беморлар кичик гуруҳида тунги вақтда SDNN нинг ишончли ўсиши кузатилди: $68,3 \pm 10,8$ $43,2 \pm 8,8$ га ($P=0,02$). Спектрал кўрсаткичлар ҳам бирорта ҳам охириги нуқтага етмаган беморлар кичик гуруҳида анча яхшилиги кузатилди: TP (тун) $995 \pm 274,5$ камида битта охириги нуқтага етган кичик гуруҳдаги $359,8 \pm 151,4$ га қарши ($P=0,04$), бу вегетатив асаб тизими симпатик тонусининг ортишини кўрсатади. Агар камида битта охириги нуқтага етган беморлар кичик гуруҳида бир йил давомида ЮРВ кўрсаткичлари деярли ўзгармаган бўлса, бирорта ҳам охириги нуқтага етмаган беморлар кичик гуруҳида шубҳасиз ЮРВ нинг вақтли ҳамда спектрал кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал.

ТОКА кичик гуруҳларида ЮРВ кўрсаткичлари

Кўрсаткич	ТОКА, камида битта охириги нуқтага етган кичик гуруҳ, n=57			ТОКА, бирорта ҳам охириги нуқтага етмаган кичик гуруҳ, n=42			P3
	дастлабки	бир йил	P1	дастлабки	бир йил	P2	
Кун							
mRR	843,5±120,1	852,4±68,5	0,85	758±48	904,8±112,8	0,14	0,54
SDNN	34,8±14,5	39±11,1	0,55	27,8±7,1	47,8±11,9	0,09	0,37
SDNNi	33,8±15,1	32,2±12,8	0,84	27,5±7,1	47,9±12,1	0,08	0,15
TP	1530,7±1366,1	1651,2±934,6	0,86	674,3±299,9	2331,8±886,9	0,07	0,38
VLF	532,4±355,9	629,5±302,4	0,57	205,5±57,5	771,3±429,8	0,11	0,64
LF	265,4±286,1	243,7±130,1	0,88	99,3±58,9	524,5±198	0,06	0,16
HF	265,4±286,2	243,7±130,2	1,88	99,3±58,10	524,5±199	0,06	0,16
LF/HF	1,9±1	2,1±1	0,74	1,7±1,2	2,3±1,1	0,56	0,81
Тун							
mRR	868±146	916,5±64,2	0,8	765,5±8,5	1005,5±70	0,01	0,15
SDNN	36,5±12,5	43,2±8,8	0,69	29,5±3,5	68,3±10,8	0,01	0,02
SDNNi	36,9±12,4	39,1±11,5	0,89	29,2±3,3	63,9±9,4	0,01	0,02
TP	1470,5±886,5	1900,7±717,2	0,71	843±188	3988,5±1129,8	0,02	0,07
VLF	617,5±352,5	927,5±282,3	0,54	396±69	1280,8±364,8	0,02	0,21
LF	430±329	359,8±151,4	0,87	230±90	995±274,5	0,02	0,04
HF	210±162	44±18,6	0,53	60,5±37,5	40±13,6	0,22	0,76
LF/HF	2,2±0,2	4,6±4,8	0,39	4,7±1,4	1,9±1,04	0,25	0,35

Изоҳ:

1. P3 охириги нуқтага етган ва етмаган кичик гуруҳлар ўртасида, йилдан кейинги маълумотлар;
2. $p \leq 0,05$ да фарқлар ишончли.

Тунги ЮКТ $76,2 \pm 6,1$ дан $60,3 \pm 3,6$ зарб/дақиқагача пасайишини, mRR нинг $765,5 \pm 8,5$ дан $1005,5 \pm 70$ гача ортишини қайд этиш лозим ($P=0,01$). SDNN

каби кўрсаткичининг, жумладан, SDNNi нинг $29,2 \pm 3,3$ дан $63,9 \pm 9,4$ гача ортиши ($P=0,01$), TP (тун) нинг 843 ± 188 дан $3988,5 \pm 1129,8$ гача ($P=0,02$), VLF(тун) нинг 396 ± 69 дан $1280,8 \pm 364,8$ гача кўтарилиши ($P=0,02$) ЮРВ ўзгаришлари динамикасининг ишончли прогностик аҳамияти тўғрисида далолат беради.

ОМТ кичик гуруҳларида ҳам юрак ритми вариабеллиги муносабатида дастлабки фарқлар қайд этилмади. Айтиш лозимки, юрак ритми вариабеллигининг умумий пасайиши кузатилди (3-жадвал).

Динамикада ЮРВ нинг энг яхши қийматлари бирорта ҳам охириги нуқтага етмаган беморлар кичик гуруҳида қайд этилди. Хусусан, SDNN нинг энг кўп ўсиши қуйидагича бўлди: бирорта ҳам охириги нуқтага етмаган беморлар кичик гуруҳида $54,6 \pm 8,2$ ни, камида битта охириги нуқтага етган беморлар кичик гуруҳида $38,1 \pm 9,1$ ни ташкил қилди ($P=0,05$). Спектрал кўрсаткичлардан VLF эътиборни ўзига тортади: бирорта ҳам охириги нуқтага етмаган беморлар гуруҳида $1118,4 \pm 608,2$, камида битта охириги нуқтага етган беморлар кичик гуруҳида $763,8 \pm 368$ ($P=0,05$).

3-жадвал.

ОМТ кичик гуруҳларида ЮРВ кўрсаткичлари

Кўрсаткич	ОМТ, камида битта охириги нуқтага етган кичик гуруҳ, n=46			ОМТ, бирорта ҳам охириги нуқтага етмаган кичик гуруҳ, n=23			P3
	дастлабки	1 йил	p	дастлабки	1 йил	p	
Кун							
mRR	932,5±40,5	817,1±104,6	0,12	764,2±104,5	841,6±218,5	0,07	0,85
SDNN	33±9,3	36,2±11,1	0,73	31,3±9,8	43,2±11,8	0,06	0,06
SDNNi	22,1±14,5	36,2±11	0,21	32,4±11,4	33,2±11,6	0,12	0,7
TP	744,3±577,7	1412,3±776,7	0,19	998,7±352,3	1196,2±672,2	0,05	0,68
VLF	451,5±227	566±287,3	0,55	468,6±11,4	582,6±447,5	0,14	0,96
LF	278,5±231,3	213,3±153,3	0,73	138,5±33,7	439,4±63,9	0,05	0,37
HF	207,5±196,3	213,5±270,6	0,98	184,8±96,3	442,6±149,8	0,29	0,7
LF/HF	1,6±0,9	2,2±0,8	0,4	1,8±0,9	2,6±1,0	0,57	0,62
Тун							
mRR	1017±66,1	909,8±104,9	0,03	812,4±72,3	920,4±164,3	0,02	0,92
SDNN	49,1±0,9	38,1±9,1	0,59	28,7±4,9	54,6±8,2	0,02	0,05
SDNNi	47,1±1,6	38,2±9,04	0,04	778,5±224,8	44,2±7,9	0,02	0,06
TP	2191±152	1511,9±717,5	0,06	1142,3±218,5	2003,4±704,9	0,02	0,06
VLF	1188,5±87,5	763,8±368	0,04	569,3±221,5	1118,4±608,2	0,04	0,05
LF	284±82	245,6±135,5	0,74	264,1±88,5	853,8±99,4	0,03	0,05
HF	120±63	120,5±77	0,99	995,8±673,6	1227,2±674,6	0,24	0,39
LF/HF	2,8±0,8	2,3±0,7	0,66	2,2±1,7	2,9±1,4	0,46	0,53

Изох:

1. P3 охириги нуқтага етган ва етмаган кичик гуруҳлар ўртасида, йилдан кейинги маълумотлар;
2. $p \leq 0,05$ да фарқлар ишончли.

Камида битта охириги нуқтага етган беморлар кичик гуруҳида юрак ритми вариабеллигининг ижобий динамикаси кузатилмади: тунги mRR нинг $1017 \pm 66,1$ дан $909,8 \pm 104,9$ гача ($P=0,03$), тунги SDNNi нинг $47,1 \pm 1,6$ дан

38,2±9,04 гача (P=0,04), тунги VLF нинг 1188,5±87,5 дан 763,8±368 гача пасайиши кад этилди (P=0,04). Аксинча, бирорта ҳам охирги нуқтага етмаган беморлар гуруҳида юрак ритми вариабеллигининг ҳам вақтли, ҳам спектрал кўрсаткичлари ижобий динамикаси кузатилди. mRR нинг ҳам тунги, ҳам кундузги кўрсаткичлари ортди, SDNN қийматлари анча кўтарилганлиги қайд қилинди, бунда ушбу кўрсаткич нафақат дастлабки қийматлардан, балки 50мс дан ҳам юқори бўлди, бу эса тўсатдан ўлим ривожланиши хавфини анча камайтиради [7]. Вегетатив асаб тизимининг симпатик тонуси ортишини акс эттирувчи ЮРВ спектрал кўрсаткичлари яхшиланди: TP (кун) 998,7±352,3 дан 1196,2±672,2 гача, P=0,05, TP (тун) 1142,3±218,5 дан 2003,4±704,9 гача, P=0,02, VLF (тун) 569,3±221,5 дан 1118,4±608,2 гача, P = 0,04, LF (кун) 138,5±33,7 дан 439,4±63,9 гача, P = 0,05, LF (тун) 264,1±88,5 дан 853,8±99,4 гача ортиши қайд этилди, P=0,03.

Шуниси қизиқки, АКШ гуруҳида дастлаб ҳам, бир йилдан кейин ҳам кичик гуруҳлар ўртасида фарқлар кузатилмади (3-жадвал). Кўринишича, бу жарроҳлик аралашуви ва кузатувнинг нисбатан қисқа муддати билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аввал адабиёт манбаларида кўрсатилганки, АКШ дан 1 йилдан кейин ЮРВ кўрсаткичлари кескин пасайган ҳолда сақланиб қолади, шу билан бирга 3 йил аввал АКШ ўтказилган беморларда ЮРВ нинг асосий кўрсаткичлари қийматлари АКШ гача бўлган нормал вариация коэффицентли беморларникига яқинлашиб қолади, яъни нафақат коронар қон айланишнинг, балки асаб-гуморал нисбатларнинг ҳам маълум бир даражада тикланиши рўй беради.

«Лаборатор предикторларни, хусусан, яллиғланиш маркерларини ва тромбоцитлар агрегациясини ўрганиш» ўн биринчи бобида қуйидаги натижалар кўрсатилган: камида битта охирги нуқтага етган учта гуруҳининг барчасида эритроцитлар чўкиш тезлиги даражасининг аҳамиятли ортиши ҳам дастлабки, ҳам бир йилдан кейинги изланишда кузатилади.

СРО даражасининг ортиши камида битта охирги нуқтага етган учта кичик гуруҳнинг ҳаммасида қайд этилди.

- Камида битта охирги нуқтага етган **ТОКА кичик гуруҳида**: 7,1 г/л битта ҳам охирги нуқтага етмаган ТОКА кичик гуруҳидаги 4,4 г/л га қарши, P = 0,21.
- Камида битта охирги нуқтага етган **ОМТ кичик гуруҳида** бир йилдан кейин СРО нинг ишончли даражадаги юқори миқдори кузатилди: 8,5 г/л битта ҳам охирги нуқтага етмаган ОМТ кичик гуруҳидаги 3 г/л га қарши, P = 0,05.
- Камида битта охирги нуқтага етган **АКШ кичик гуруҳида** ҳам шунингдек СРО миқдорининг ортишга тенденцияси аниқланди: 8,1 г/л битта ҳам охирги нуқтага етмаган АКШ кичик гуруҳидаги 4,1 г/л га қарши.

СРО нинг 7,9 г/л гача ва ундан кўпга ортиши яллиғланиш жараёнини кўрсатади, бу эса шубҳасиз коронар етишмовчиликнинг ёмонлашуви учун триггер омил бўлиб, нохуш оқибат предиктори ҳисобланади.

ТОКА кичик гуруҳида тромбоцитлар агрегацияси изчил ўрганилди. Дастлаб гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар кузатилмади. Динамикада эса охириги нуқтага етган беморларгуруҳида спонтан агрегациянинг юқори даражаси қайд этилди: $3,3 \pm 1,1$ $2,1 \pm 0,8$ га қарши, $P = 0,01$.

КРОМКА. Ўткир миокард инфаркти лабораторияси коронар оқимнинг кўп томирли шикастланиши бор беморларни 7 йилдан кўпроқ вақт ўрганеди. Олинган маълумотлар, шунингдек, ушбу тадқиқот иши давомида олинган натижалар асосида беш йиллик яшаб қолиш даражасини баҳолаш, шунингдек, юрак-қон томир ўлими ривожланиши хавфини аниқлаш мақсадида коронар оқимнинг кўп томирли шикастланиши бор беморларда амбулатор шароитда асоратлар хавфи калькулятори ишлаб чиқилди (4-жадвал).

4-жадвал.

Коронар оқимнинг кўп томирли шикастланиши бўлган 60 ёш ва ундан катта беморларда ўлим хавфини баҳолаш шкаласи

Хавф омиллари	Балл	Ёши, йил	Балл
Эркак жинси	2	60-64	1
Аввал ўтказилган МИ	1	65-69	2
Қандли диабет	1	70-74	3
ЧҚ аневризмаси	2	75-79	4
Отиш фракцияси 35 % дан паст	2	80-84	5
КФТ 60 мл/мин/1,73м ² дан паст	2	> 85	7
Анемия	1	Балл	Ўлим (%)
Артериал гипертензия (САБ > 140 мм.сим.уст.)	1	0	0-1
УХС 200 мг/дл дан юқори	1	2	1
Тана вазни индекси > 40 кг/м ²	1	3	1,5
Тана вазни индекси < 25кг/м ²	1	4	3,5
Тамаки чекиш	2	5	5-8
Бир неча квартал пиёда юриш қийин	2	6	9
		7	12-15
Максимал мумкин бўлган баллар сони	41	8	19-20
		9	20-24
		10	27-28
		11	43-45
		12	44-48
		13	54-59
		>14	64-67


